2006 ЙИЛ, 29 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 60 (10.617) Баҳоси эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

Хабар берилганидек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 март куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди. Бу Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига тўртинчи ташрифидир.

— Изчил мустаҳкамланиб келаётган Ўзбекистон—Жанубий Корея ҳамкорлигининг кўлами тобора кенгаймоқда, — деди Ислом Каримов Сеулга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда. — Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 38 фоизга ўсиб, 564 миллион АҚШ долларига етгани бунинг тасдиғидир. Шу вақтга қадар Корея Республикаси томонидан юртимиз иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий ҳажми бир миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармояси иштирокида ташкил этилган 138 қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар машинасозлик, савдо, енгил, кимё, озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш, турар-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига ихтисослашган.

Ўн йилдан буён Андижон вилоятининг Асака шаҳрида фаолият юритаётган енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон- Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам ўзаро ҳамкорлигимизнинг салмоқли самараларидандир.

— Жанубий кореялик ҳамкорларимиз билан таълим, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда ҳам алоқаларимиз изчил ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Хусусан, мамлакатимизда изчил амалга ошириб келинаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида қурилган кўпгина коллеж ва академик лицейларни зарур ускуналар билан таъминлаш учун Корея Республикаси томонидан 70 миллион доллар ажратилган. Мазкур ташриф асносида эса Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича амалга ошириладиган мақсадларга 30 миллион доллар миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ташриф мобайнида 15 ҳужжат имзоланиши мўлжалланган. Улар асосида юртимизга киритиладиган Жанубий Корея сармояси ҳажми бир миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги ҳужжат айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳужжатнинг имзоланиши халқаро майдонда муҳим воқеа ҳисобланади.

Президентимизнинг ушбу давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

ЎзА

***

СЕУЛ. 28 март (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи бошланди. Сеулга етиб келган мамлакатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳга жойлашди.

Президентимизнинг мазкур ташрифи доирасидаги асосий музокаралар ва тадбирлар 29-30 март кунлари бўлиб ўтади.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати уюштирилди. Унда Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● Кеча пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари ташкилоти (ФАО) билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида минтақавий семинар иш бошлади. Икки кун давом этадиган ушбу халқаро анжуман «Марказий Осиё мамлакатларида ҳайвонларнинг чегара билмай тарқаладиган касалликлари назорати» мавзусига бағишланди.

● Кеча пойтахтимизда Россиянинг «Вимпел» компанияси ускуналарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Кеча республика ўқувчилар саройида болалар фольклор дасталарининг республика фестивали очилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 140 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этмоқда. Голиблар бугун аниқланади.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Наврўз — 2006 анъанавий санъат фестивали» республика кўргазмаси иш бошлади. Ушбу кўргазма экспозициясидан 200 га яқин рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий безак санъати асарлари ўрин олган.

● Шаҳрисабзда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлиши муносабати билан Нахшаб ва Кеш шаҳарларининг инсоният тамаддунидаги ўрни ҳамда Темур ва Темурийлар меросини ўрганишга бағишланган республика конференцияси бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти таълим муассасалари услубчиларининг Зангиота туманида бўлиб ўтган мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш, ўйинлар орқали уларга иқтисодий таълим бериш мавзусидаги илмий-амалий семинарда боғча ёшидаги болаларнинг дунёқарашини шакллантириш масаласи муҳокама этилди.

● Тошкентда халқаро ветеринарлар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Семинарда асосий эътибор ҳайвонлар ўртасида учрайдиган юқумли касалликларнинг олдини олишда халқаро мутахассислар ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилди.

● Республикамизда фаолият кўрсатаётган енгил саноат тизимига ихтисослашган «Донг-Санг» корхонаси томонидан ўтган йилда 209 миллион сўмлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Корхонада кунига буюртмага қараб 40 минг донагача трикотаж буюмлари тайёрлаш имконияти мавжуд.

● Бухоро вилоятида «Аср-текс» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Энг замонавий хорижий линиялар билан жиҳозланган корхона цехларида пахта толасидан сифатли ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг шимолида табиий офат ўз хукмини ўтказмоқда. Гамбург шаҳридан ўтган торнадо жиддий вайронагарчиликларни келтириб чиқарган. Кучли шамол оқибатида машиналар ағдарилиб, уй томлари қулаб тушган ва электр таъминоти узилиб қолган. Натижада икки қурувчи ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

● Ироқ шимолида содир бўлган теракт оқибатида 40 киши ҳалок бўлган. 30 нафар фуқаро эса турли даражада тан жароҳати олган. Ҳозир шифохоналарда шикастланганларга ёрдам кўрсатилмоқда.

● Германияда табиий офатларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Конференцияда табиий офатларнинг олдини олиш тизими, унинг мазмун ва моҳияти муҳокама қилинмоқда.

● Судан давлати пойтахтидан Араб лигаси мамлакатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги навбатдаги йиллик саммити ўз ишини бошлади. Саммитда Араб мамлакатлари билан бир қаторда дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам молиявий ёрдам кўрсатиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

● Нигерияда жангарилар томонидан асир олинган уч нафар АҚШ фуқаролари озод этилди. Шу йилнинг 18 февралида «Нигерия дельтаси озодлиги» ҳаракати вакиллари Shell компаниясининг тўққиз нафар хорижий ходимларини ўғирлаб кетган эди. Улардан 6 нафари озод қилинганди.

● «Reuters» агентлигининг хабар беришича, жума куни биринчи бор учирилган хусусий «Falcon-1» ракетасининг парвози муваффақиятсиз кечган. Икки поғонадан иборат 20 метрли ракета Тинч океанига, аниқроғи Маршалл оролларига маҳаллий вақт билан соат 17.30 да қулаб тушган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 30 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 16- 18 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ. БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЖАДАЛ БОРАЁТГАНЛИГИ, ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛАЁТГАНЛИГИ ВА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНАЁТГАНЛИГИ ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.



Қисқа сатрларда

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлимида 14-28 ёшлилар ўртасида ташкил этиладиган миллий халқ ўйинлари фестивали ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Қўйлиқ деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати «Миллий ҳаёт тарзимиз, урф-одат ва удумлар, дунёвий ва диний қадриятларни тарғиб этишда инсон ҳуқуқларининг аҳамияти» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Ёшлар — келажагимиз пойдевори» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивалида «Кичик Дўмбиробод», «Катта Дўмбиробод», «Наққошлик» маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Нур» қаҳвахонасида Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан уюштирилган хайрия тадбири Наврўз айёмига бағишланди.

● **БУГУН** «Гулистон» маҳалласида ёшлар иштирокида «Миллий халқ ўйинлари» фестивали ўтказилди.

● **БУГУН** «Бинокор», «Истиқбол», Зилола маҳаллаларида Наврўз айёми муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этган болажонлар «Қармоқча», «Арғимчоқ», «Қопқон», «Доирага торт» деб номланган миллий ўйинларни йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

● **КЕЧА** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил» деб номланди.

● **КЕЧА** Чилонзор туманидаги 90, 128-мактаблар ҳамда 66-махсус мактабда «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Миллий халқ ўйинлари» фестивали бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** Кўзи ожизлар жамияти ташаббуси билан Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи ҳамда «Камалак» кутубхонаси ҳамкорликларида меҳрга ташна инсонлар иштирокида уюштирилган тадбир «Ассалом, Наврўзи олам» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида «Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий жиҳатлари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилиб, ҳуқуқшунослар томонидан яратилган «Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий жиҳатлари» китобининг тақдимоти ҳам уюштирилди.

● **«ОЛМАЗОР»** маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари туҳфа этилди.

● **НАВРЎЗГА** туҳфа сифатида Ҳамза туманидаги футбол интернати қошида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

2006— Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Президентимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги Қарорида ҳам «Тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш» сингари вазифалар белгиланган.

Айни кунларда мазкур Қарор ижросини таъминлаш борасида жойларда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Мирзо Улуғбек туманида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ҳомийлар томонидан қайта таъмирланиб, бутунлай янги қиёфага кирган 7-силга қарши диспансер биносининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимда туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққан Ҳумоюн маҳалласи оқсоқоли Зикрилла Эрматов маҳаллада ҳомийлар томонидан хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги, жумладан, туман аҳолисига хизмат кўрсатадиган диспансер биносининг ҳашар йўли билан ҳамда ҳомийлар кўмагида бутунлай янги қиёфага эга бўлганлигини таъкидлади.

— Наврўз айёми кунларида биз учун қўш байрам бўлди, — дейди 7-силга қарши диспансернинг бош шифокори Дилбар Салиева.— Юртбошимизнинг ҳар бир йилимизга ном беришларида ўзгача маъно ва мазмун борлиги ҳаётимизда ўз аксини кўрсатмоқда. Туман аҳолисига 12 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган икки қаватдан иборат диспансер биноси бир ой ичида қайта таъмирланиб, барча шароитларга эга бўлди. Жамоамиз аҳли бундан ниҳоятда хурсанд. Мана шундай эзгу ва савоб ишларга қўл урган ҳомийларимизга минг раҳмат. Бугунги кунда диспансерда 51 та тиббиёт ходими туман аҳолисига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мақсадимиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тез ва сифатли ёрдам кўрсатиш, сил касаллигининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш. Ушбу касалликнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда ва мактабларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб турамиз, касаллик ҳақида аҳолига етарли маълумот берамиз. Бундан буён ҳам мана шундай бинода халқ саломатлигини сақлаш йўлида янада самарали меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз.

Маросим сўнгида мазкур диспансерда фаолият кўрсатаётган бир қатор тиббиёт ходимларига Наврўз айёми муносабати билан ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: Мирзо Улуғбек туманидаги 7-силга қарши диспансер фаолиятидан лавҳа.

Наталья Семёнова олган сурат.

Спорт

МАВЛОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!


ТАИЛАНД ПОЙТАХТИ БАНГКОКДА МУАЙТАЙ БЎЙИЧА ЎТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА СПОРТЧИЛАРИМИЗ СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАДИ. ЖУМЛАДАН, МАВЛОН ҚАҲҲОРОВ 63,5 КИЛОГРАММ ВАЗНЛИЛАР ТОИФАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ШАРАФЛИ УНВОНГА САЗОВОР БЎЛДИ.

— Мусобақада энг кучли рақибим россиялик Станислав Маккаев бўлди, — деди у ЎзА мухбирига. — У билан финалда куч синашиб, 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдим.

Эслатиб ўтамиз, андижонлик Мавлон Қаҳҳоров 2004 йилги жаҳон чемпионатида ҳам жаҳон чемпионлигини қўлга киритган. Ўтган йили эса Австралияда ўтган Осиё ёпиқ ўйинларидан олтин медаль билан қайтди.

Шунингдек, мусобақада спортчиларимиздан Азиз Эшниёзов, Вохид Толипов, Евгений Сверлов ва Бобур Хўжаев ҳам ўз вазнида кумуш медални қўлга киритган бўлса, Шерзод Шарипов, Хайрулла Асатуллаев ҳамда Ҳаким Зокиров бронза медаль билан тақдирланди.

Қ.ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШУ ЙИЛ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДА ЁШЛАРИМИЗ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ НАФАҚАТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ, БАЛКИ ЮКСАК МАҚСАД, ТОМ МАЪНОДАГИ ШОН-ШАРАФ ИШИГА АЙЛАНАЁТГАНЛИГИ, АРМИЯДА УЛАР ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛИКЛАРНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШ БИЛАН БИРГА, ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ЧИНИҚИБ, ИРОДАСИ ТОБЛАНИБ, ҲАЁТИЙ ҚАРАШЛАРИ ШАКЛЛАНАЁТГАНИ, ВАТАН ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ДОИМО ТАЙЁР ТУРАДИГАН МАРД ВА ЖАСУР ИНСОНЛАР БЎЛИБ КАМОЛ ТОПАЁТГАНЛИГИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИ.

Қарор ва ижро

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Шу кунларда юртимизда армия сафига чақирилувчи ёшларни навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш ва фуқароларни армияга чақиришни амалга оширишни намунали ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар давлатимиз раҳбарининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги жорий йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ ўтказилаётир.

Қарорда чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари шу йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши кўрсатилган.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр МАҲМУДОВ мазкур қарорнинг ижроси ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик мазкур қарори мамлакатимиз фуқароларини Қуролли Кучлар сафига ўз вақтида чақириш ҳамда ушбу тадбирни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги баҳорги чақирувда муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши ва сафарбарлик чақируви резервига олиниши зарур бўлган чақирилувчи ёшларни ўрганиш ишларининг аҳволи жорий йилнинг январь-февраль ойларида шаҳримизнинг барча туманларида ўрганиб чиқилди. Чақирилувчиларнинг турар жойлари бўйича алоҳида рўйхатлар тузилди. Мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари ва маҳаллалар фуқаролар йиғини раислари ҳамда участка инспекторлари билан ҳамкорликда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди.

Тадбир давомида чақирилувчилар ва ота-оналарга Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

Жойларда чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар таркибида «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

Армия сафига чақирилувчилар сифатли ва холис тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Жисмоний ва маънавий томондан соғлом йигитлар орасида танлов амалга ошириляпти. Ана шундай тадбирлар давомида чақирилувчиларнинг соғлиғи, маълумоти, маънавий-руҳий аҳволи ва интеллектуал ривожланиш савияси, оилавий шароити, жисмоний тайёргарлиги ҳар томонлама ўрганилмоқда. Ҳар бир кўрсаткич бўйича тегишли баҳо қўйиляпти. Танловда юқори балларга эга бўлган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Мазкур танлов туман ҳокимликларининг қарори билан махсус тайинланган комиссиялар томонидан ўтказилмоқда.

Чақирув пунктлари фаолияти ҳам бизнинг ҳамиша диққат- эътиборимизда. Уларда олиб борилаётган ишларни доимий назорат қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар чақирув ҳайъати аъзолари туманларга бириктирилган.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида янги чақирув пункти бунёд этилиб, иш бошлади. Шунингдек, Сергели ва Миробод туманлари чақирув пунктлари капитал таъмирдан чиқарилди.

Шаҳар ва туман тиббий комиссиялари қонунчиликда белгиланган талабларга асосан зарур замонавий тиббий асбоб-ускуна ва мебеллар ҳамда етарли даражада шифокор-мутахассислар билан тўлиқ таъминланган.

Чақирув комиссияларининг самарали иш юритиши ҳамда чақирилувчиларни тиббий текширувдан ўтказишни сифатли таъминлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда шаҳар йиғин пункти ва туманлари чақирув участкаларини таъмирлаш ва замон талабига мос жиҳозлаш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

Шаҳар йиғин пункти ҳузурида эндоскопия кабинети фаолият кўрсатмоқда. Унга ўрнатилган УЗИ, ЭФГДС ва ЭКГ аппаратларида зарур текширувлар сифатли амалга оширилмоқда.

Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари шаҳримизнинг барча туманларида талаблар даражасида олиб борилаётир. Бу муҳим ва масъулиятли иш, айниқса, пойтахтнинг Юнусобод, Шайхонтоҳур, Миробод ва Ҳамза туманларида яхши йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳар йиғин пунктида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонуни ва Мудофаа вазири буйруқлари талаблари киритилган тарғибот ва ташвиқот кўргазмалари мунтазам ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олиниши зарурлиги қайд қилинган.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда жорий этилган сафарбарлик чақируви резерви хизмати тизими сафларида ёшларимиз бошланғич ҳарбий тайёргарликни қунт билан эгаллаб, чиниқиш мактабини ўтамоқда.

Айни вақтда армия сафига чақирилувчи ёшлар ва уларнинг ота- оналари ўртасида ҳарбий хизматнинг бу янги турини ҳар томонлама ва чуқур тушунтириш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Биз фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимларини кенг жамоатчилик, фахрийлар, фан ва маданият арбоблари, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали вазиятда ўтказилишини ўз вақтида таъминлаш учун ҳаракат қиляпмиз. Бундай тадбирларни амалга ошириш — армияга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолади. Улар ёшларимизни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этишга қодир ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилмоқда. У — муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов қарори асосида Қуролли Кучлар сафига Ватан ҳимоячиси деган шарафли бурчга меҳр қўйган, соғлом ва руҳан тетик ёшларни танлаб олиш ва жўнатиш бизнинг бугунги кундаги асосий вазифаларимиздандир.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДА ИШ БОШЛАГАНИГА ҚАРАМАЙ, ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ТАШАББУС ҲАМДА МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ТУФАЙЛИ ЯХШИГИНА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИБ, ЎЗ ЙЎЛИНИ ТОПАЁТГАН КОРХОНАЛАР ТАЛАЙГИНА.

Шайхонтоҳур туманида фаолият бошлаган «MAKIZ –BARAKA» масъулияти чекланган жамияти бунга ёрқин мисол. Ҳозирги кунда жамоа аҳли «MAKIZ» савдо белгиси билан 15 хилдаги макарон маҳсулотларини ички бозоримизга чиқармоқда. Ушбу маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда, чунки у уларнинг харидоргирлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланиши ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ички бозорни чуқур ўрганган жамият тадбиркорлари маҳсулотнинг харидоргир турларини тайёрлашмоқда. Шунингдек, улар асосан маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда эҳтиёжга кўра 400,500,700,800 ва 1000 граммли қилиб чиройли қадоқланаётганлиги қувонарли, албатта.

Жамият аъзолари цехга ўрнатилган замонавий, хорижий — Италия ҳамда Украина давлатларидан келтирилган дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланмоқда. Ўз йўлини топган корхона аҳлининг келгуси режалари ҳам катта. Улар йил охиригача янги маҳсулот турларини кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда шу асносида янги иш жойлари яратишни эзгу мақсад қилганлар.

САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ЁДГОРЛИК БУЮМЛАРИ ТАЙЁРЛАЁТГАН ҲУНАРМАНД — ҲАЙКАЛТАРОШ, КУЛОЛСОЗ ФЕДИЧКИННИНГ МАҲОРАТИ, ИЗЛАНУВЧАНЛИГИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИ, УРФ-ОДАТЛАРИГА ҚИЗИҚИШИ МАҲСУЛОТЛАРИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛГАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА САЗОВОР.

Ҳозирги кунда унинг 100 хилдан ортиқ турдаги бир-бирини такрорламайдиган, гўзал, бежирим маҳсулотлари кўрган кўзларни қувнатади. Эътиборли томони, ҳунарманд устанинг тарихий мавзудаги, анъанавий услубдаги асарлари унинг юксак диди, касбий маҳоратидан далолат беради. Ўз касбининг устаси бўлган Иван Федичкиннинг бетакрор ишлари туман, шаҳар ҳамда республика миқёсида ўтказилган кўплаб кўрик-танловларда намойиш этилган. Ҳозирги кунда уста беш нафар қизиқувчан ёшларга ҳунар сир-асрорларини қунт билан ўргатмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

КОРЕЙС ТИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЕГОНА ЭМАС

«ТОНГ МУСАФФОЛИГИ МАМЛАКАТИ» — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЖОЙЛАШГАН ҚАДИМИЙ ЎЛКАНИ АЙНАН ШУНДАЙ АТАШАДИ. У ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН МАФТУН ЭТУВЧИ ВА ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАЛАРИ БИЛАН ҲАЙРАТГА СОЛУВЧИ МАМЛАКАТ КЎЗ ОЛДИМИЗДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

Юртимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи арафасида Корея Республикаси мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қаторида тан олиб, дипломатия муносабатларини ўрнатганини таъкидлаш жуда ўринли бўлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси раҳбарияти билан беш маротаба олий даражадаги учрашув ўтказган. Уларда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари аниқланиб, икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилган.

1995 йилдан буён икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келади. Уларнинг охиргиси — олтинчи учрашув ўтган йил ноябрида Сеулда бўлиб ўтди. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Икки томонлама савдо айланмаси ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили у 564 миллион АҚШ долларидан ошиб, 2004 йилга нисбатан 38 фоизга ўсди. Республикамизда Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган қарийб 140 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 23 таси юз фоиз Жанубий Корея сармоялари асосида иш юритаётир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Корея Республикасининг 35 компаниясининг ваколатхонаси аккредитациядан ўтган. Мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри сармоя киритиш ҳажми (1 миллиард АҚШ долларидан зиёд) бўйича Жанубий Корея хорижий мамлакатлар ўртасида етакчилик қилмоқда.

Ўтган йил май ойида Президент Но Му Хённинг Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи икки мамлакат ишбилармон доираларининг тоғ-кон саноати, энергетика ва минерал заҳираларни ўзлаштириш, автомобилсозлик, ахборот технологияларини ривожлантириш, таълим соҳасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш борасида муҳим туртки бўлди.

Ўзаро иқтисодий алоқаларнинг муваффақиятли ривожланишига маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам кўмаклашмоқда. Мана 14 йилдирки, Ўзбекистонда Кореянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича агентлиги фаол ишлаб келади. У мамлакатимиз олий ўқув юртлари ҳамда тиббий муассасаларига техник ва гуманитар ёрдам кўрсатмоқда.

Икки томонлама мулоқотда таълим соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. 1993 йилдан буён Тошкент Давлат шарқшунослик институтида кореяшунослик факультети фаолият кўрсатмоқда. Унда корейс тили ва адабиёти, мамлакатшунослик йўналишлари бўйича таълим берилади. Икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда Тошкент Давлат техника университети билан Сеул университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти билан Хосео университети, Самарқанд Давлат чет тиллар институти билан Хондонг ва Хосео университетлари ўртасидаги битимлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жанубий Корея томони Ўзбекистонда кўп сонли этник корейслар диаспорасининг бошқа миллат ва элатлар билан тинч-тотув яшаб келаётганига катта аҳамият қаратади. Шу ўринда ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистонда корейс диаспорасининг кўзга кўринган арбобларидан бири — Ким Пен Хванинг 100 йиллиги кенг нишонланганини ёдга олиш мақсадга мувофиқдир.

Икки мамлакат пойтахтларида мунтазам равишда маданият кунлари, бадиий кўргазмалар, кинофестивалларўтказилиши анъанага айланиб қолган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, «Шарқ тароналари» V халқаро фестивали ҳакамлар ҳайъатига Кореядаги «Чоннам» илм-фан университетининг профессори Чанг Ки Хо раислик қилди.

Икки халқ маданияти ва ҳаёт тарзининг яқинлиги, меҳнатсеварлик, халқларимизга хос бўлган ўтмишни эъзозлаш, олдинга интилиш каби ўхшаш инсоний қадриятлар ҳам ўзбек ва корейс халқларини бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлайди.

Замира АЗИЗХОНОВА,
«Жаҳон» АА

ЮРТИМИЗДА БАЙРАМЛАР АРАФАСИДА ЯНГИ ГУЗАРЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ҚУРИЛИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛИШИ ХАЙРЛИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН. ҚАДР-ҚИММАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ— НАВРЎЗ БАЙРАМИДА ҚУВОНЧЛИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИК.



Маҳаллаларда

ШИНАМ БИНО ҚАД РОСТЛАДИ

Учтепа туманидаги Хондамир маҳалласида барча қулайликларга эга, шинам ва зарур жиҳозлар билан таъминланган 9- милиция таянч пункти фойдаланишга топширилди.

— Маҳаллаларда фаолият олиб бораётган милиция таянч пунктлари тинчлик-хотиржамликни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, вояга етмаган ёшлар билан иш олиб боришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Юнус Ҳасанов. — Профилактика инспекторларининг аҳоли, маҳалла оқсоқоли ва қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли турли ноқонуний оқимларга аралашиб қолиш, қонунбузарликка йўл қўйиш, қасддан жиноят содир этиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олинмоқда,элу юрт тинчлиги, маҳалла ободонлигига муҳим ҳисса қўшилмоқда.

— Бизга яратилган қулай шарт-шароитлар ишимиз унуми, кўзлаган мақсадимизга тезроқ етишда яқиндан ёрдам беради, албатта, — дейди 9-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Комилжон Ғаппоров. — Шу ўринда Хондамир маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шоҳида Бадалова, беш нафар посбонлар, маҳалла фаоллари, кекса отахон ва онахонларнинг ҳам кўрсатаётган ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки қаерда ҳамжиҳатлик, бирдамлик, ҳамфикрлик бўлса ўша ерда тинчлик-тотувлик, осудалик ҳукмрон бўлади.

Дарҳақиқат, байрамлар байрамларга уланган бугунги шодиёна кунларда Хондамир маҳалласи ҳам қўшалоқ байрамни тўкин дастурхон атрофида, ёшу қари жамулжам бўлиб кутиб олдилар. Пиру бадавлат отахонлар, эвараю чеваралар-га бош бўлиб юрган момолар бугунги осуда, тинч турмушимизга шукрона келтириб дуога қўл очдилар. Байрам баҳона кекса, бетоб, ногиронлар йўқланди, имкон борича моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

— Ушбу милиция таянч пунктининг очилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган туман ҳокимлиги ва саховатли ҳомийларимизга маҳалладошларнинг миннатдорчилигини билдираман, — деди тадбирнинг очилиш маросимида сўз олган Хондамир маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шоҳида Бадалова. — Бундай савобли юмушлар бошида турган инсонларни Оллоҳнинг ўзи ҳам қўллайди. Ахир халқимизда «Маҳалланг тинч — она-Ватанинг тинч» деган ибратли ибора бежиз айтилмаган. Юрт тинчлигига ҳисса қўшиш эса энг савобли юмушлардан биридир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: Хондамир маҳалласи профилактика инспекторлари бир гуруҳ фаоллар даврасида.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

РЕЖАЛАР БИСЁР, НИЯТЛАР ҲАЙРЛИ

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУН САРҲИСОБНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ШУ МАЪНОДА УЧТЕПА ТУМАНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛГАНДА БИРМУНЧА ҲАЙРЛИ ЮМУШЛАР БАЖАРИЛГАНЛИГИГА ГУВОҲ БЎЛИШ МУМКИН.

Энг аввало шуни айтиш мумкинки, жамиятга аъзо бўлиш миқдори ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 384 нафарни ташкил этган бўлса эндиликда бу кўрсаткич 4160 нафарга етди. Жамиятнинг олдига қўйган асосий мақсад ва вазифалари кенг қамровли бўлиб, фаолият давомида бир қатор меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий хавфсизлигини таъминлашга ва бошқа манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган.

— Ҳисобот даври мобайнида бир қатор ташкилот, муассасаларнинг 10 тасида, шу жумладан 20 та ўрта умумтаълим мактаблари, юқори синф ўқувчилари иштирокида қизиқарли суҳбатлар уюштирдик, — дейди жамият раиси Дониёр Рустамов. —Туманда фаолият юритаётган давлат ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда 53 та маҳаллада таянч гуруҳларини қайтадан сайлаш масаласи киритилди ва тасдиқланди. 3 та бозорда қурилиш моллари бўйича ўрганиш ҳамда масъул ходимлар билан мониторинг ўтказилди. Умуман олганда режаларимиз бисёр, ниятимиз эса хайрли.

Ишларнинг бир маромда бориши бу билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Ҳозирда шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмасининг истеъмолчилардан бюджет томонидан молиялаштириладиган даволаш муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилишида ноқонуний пул талаб қилиш ҳолатлари мавжудлиги ва бу борада аҳолидан тушаётган маълумотларига асосланиб туман-даги тиббиёт муассасалари ўрганиб чиқилди. Кузатувлар натижасига кўра фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади: айрим масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, туман солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда Г-9а мавзесида жойлашган «Фарҳод» бозори ҳудудларида мулкчилик шаклларидан қатъи назар савдо, маиший хизмат иншоотларида амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда мониторинг ўтказилди. Тадбир давомида 700 минг сўмлик озиқ-овқат ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар мусодара этилди. Худди шу аснодаги мониторинглар 14-15 маротаба ўтказилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш ўринлики, аҳолининг жамият фаолиятига бўлган ишончи кундан кунга ортиб бормоқда. Бу ишларнинг самараси ўлароқ 40 та ёзма, 50 дан зиёд оғзаки аризалар ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Агар мисолларга мурожаат этадиган бўлсак 14-мавзе, 28-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи Н.Қучқорова, «Ўрикзор» даҳаси, Наврўз кўчаси, 8-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро С.Собирова, 12-уй, 2а-хонадондан Р.Нормуҳамедовалларнинг аризалари ўрганилиб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамият томонидан аҳолига саккиз миллионга яқин моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилган. Шаҳар миқёсида олиб қаралганда бу арзирли кўрсаткич дейишга ҳақлимиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Фан

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ МАДҲИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ЭРИШИЛГАН БУЮК ҒАЛАБА КИНО ИЖОДКОРЛАР ТОМОНИДАН ҲАМ МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ. ЖОН ОЛИБ, ЖОН БЕРИЛГАН АНА ШУ ЖАНГУ ЖАДАЛЛАРДА ЎЗБЕК МАРД ЎҒЛОНЛАРИ ҲАМ ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТИШГАН ЭДИ.

Бу ҳақда янги бадиий фильм яратиш истаги пайдо бўлди. Таниқли кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов ана шу ғояни амалга оширди. «Ватан» деган бу янги экран асари «Ўзбекфильм» киностудиясининг навбатдаги ижодий ютуғи бўлди. Ундаги асосий роллар умидли ёш актёрлар ижросида томошабинларда яхши таассурот қолдиради.

Фильмнинг яна бир эътиборли томони, унга ёзилган мусиқанинг оҳангларга бойлигидир. У 15 ёшли ёш истеъдод эгаси Мария Мусакованинг дастлабки йирик ижоди янглиғ ҳам таҳсинга сазовор.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ УБАЙДУЛЛО КАРИМОВ ЎЗИНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАРҚШУНОСЛИК ФАНИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАДИ.

Шарқшунос олим улуғ аллома Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш устида самарали изланишлар олиб борди, Абу Райҳон Беруний асарларини чуқур тадқиқ этди. Ўзбекистон Фанлар академияси У.Каримовнинг илм-фан олдидаги бу каби хизматларини инобатга олиб унинг номида илмий-амалий анжуманлар ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Шарқшунослик институтида амалиётга татбиқ этилган бу яхши анъанани ўтказишда мамлакатимиздаги шарқшуносликка алоқадор илмий марказлар ҳам қатнашадилар.

САМАРАЛИ ЙИЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФАКУЛЬТЕТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЎЗИНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА. ГЕОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ҲАМ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ НУФУЗИНИ ОШИРИШДА САЛМОҚЛИ ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА.

Университет жамоатчилиги бу тўнғич факультет ташкил топганлигининг 85 йиллигини нишонлади. Бу давр ичида бу ерда 6 мингдан ортиқ малакали мутахассис кадрлар етишиб чиқди. Бу иқтидорли геологлардан талайгинаси Ҳиндистон, Куба, Жазоир, Афғонистон, Мўғулистон каби чет мамлакатларда ўз ихтисослиги бўйича меҳнат қилмоқдалар.

Айни вақтда факультет олимлари томонидан қатор йирик илмий экспедициялар ҳам уюштирилмоқда. Бундай илмий тадбирлар натижалари алоҳида тўпламлар ҳолида босмага тайёрланмоқда.

Акбар АЛИЕВ



№2 (166) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Муносабат

ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ АВАЙЛАБ - АСРАЙЛИК

ШАҲРИМИЗ КУНДАН КУНГА ЎЗГАРИБ БОРМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗГА 10 ЙИЛ АВВАЛ КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР БУГУН БУ ЕРДА КЎЧА, ХИЁБОН, МАВЗЕЛАРИНИ ОБОД БЎЛГАНЛИГИНИ, ЙЎЛЛАРИМИЗ КЕНГАЙТИРИЛИБ, МАҲОБАТЛИ КЎПРИКЛАР БУНЁД ЭТИЛГАНЛИГИ ВА БОШҚА ҚАНЧА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАДИЛАР.

Шаҳримиз мавзеларида уй-жой мулкдорлари ширкатлар ташкил этилиб улар ўз ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бораётганликлари кишини қувонтиради. Бу ишларни бажариш вақтида жойлардаги баъзи касалланган, эгилиб яроқсиз ҳолатга келиб қолган ва қуриган дарахтлар олиб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарорига асосан дарахтлар ва буталарни кесиш ишлари табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилган. Пойтахтимиз Тошкент шаҳри ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатисиз, ўзбошимчалик билан дов-дарахтларни кесиш қандай оқибатлар олиб келиши ва қўлланиладиган, жарима чоралари ҳақида ободонлаштириш бошқармалари, УЖМШ раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан ўтказилган туман ҳокимликлари йиғилишларида тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилади. Лекин, минг афсуски, айрим ҳолларда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан дов-дарахтларни кесиш ҳоллари учраб туради. Гапимизга мисол сифатида шуни айтиш мумкинки, 2005 йил якунига кўра қўмитанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи Давлат назорати томонидан 12 та қонунбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги ҳужжатлар Тошкент шаҳар прокуратурасига ва 3 та қонунбузарлик ҳолатлари хўжалик судларига жазо чоралари кўриш учун юборилди.

Масалан, Чилонзор туманидаги «Д-20 Наврўз», Чилонзор туманидаги «Халқлар Дўстилиги-коммуналчи», «Катта Чилонзор Уч-Бетта», Собир Раҳимов туманидаги «Зиёкор сервис», М.Улуғбек туманидаги «Гулзор-коммунал» ва «Адолат сари» уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва Учтепа тумани, 11-, 24-мавзелар, 197- мактаб ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 508-сонли қарори қўпол равишда бузилганлиги аниқланган.

Юқоридаги ташкилотлар мутасадди ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида ўсимлик дунёсига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.07.1995 йилдаги 293-сонли қарори ва унинг иловасига мувофиқ 30 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилганлиги белгиланиб, ҳозирги кунда бу сумма суд қарорига асосан табиатни муҳофаза қилиш фондига ундирилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қўмитамизда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масалаларига, Тошкент шаҳри ҳудуди бўйича 3 та масъул ходим ажратилган бўлиб, улар томонидан шаҳримиз аҳолиси, ободонлаштириш бошқармалари ходимлари орқали тушган шикоят, аризаларини жойларга чиқиб ўрганилади.

Шаҳримизнинг баъзи фуқаролари куз ҳамда баҳор фаслларида дов-дарахтларга агротехник ишлов бериш вақтида шохларининг кесилишига норозилик билдиришади. Дарахтларга агротехник ишлов берилиши учун қўмита томонидан махсус рухсатнома талаб қилинмайди, чунки қиш фаслидан кейин уйғонган дов-дарахтлар шохларини олиниши, уларга шакл берилиши биологик нормалар талаб даражасида олиб борилади.

Кейинги йилларда жамоат транспортлари юрадиган кўчаларимизга катта эътибор берилмоқда. Йўл ёқалаб экилган дов-дарахтлар ўзининг мувозанатини йўқотиб, автомобиль йўлларига эгилиб турганликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шаҳримиз шоҳкўчалари бўлмиш Буюк Ипак йўли ва Усмон Носир кўчаларида содир этилган, яъни дарахтнинг йиқилиб, нохуш ҳодисаларни юзага келтириб шикаст етказганлиги биз қўмита нозирларини янада сергак бўлишга ундайди. Серқатнов ҳамда тролейбус қатнайдиган автомобиль йўлларида хавфли эгилган, қийшайган, авария ҳолатидаги дов-дарахтларнинг кесилиши учун махсус далолатномалар тузилган.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан фақатгина дов-дарахтларнинг кесилишига рухсат берилиб ёки рухсатсиз кесилганидан жарима чораларини кўриш ишлари олиб борилмай, балки кесилганларнинг ўрнига кўп миқдорда ёш кўчатлар ўтказиш ишлари ҳам назорат қилинади. Ҳар йили қўмитанинг ҳисобидан мактаб, боғча ва маҳаллаларга тушган сўровлар асосида кўчатлар ажратилиб, ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ташкилот, корхона ва маҳалла қўмиталари билан биргаликда шаҳар ҳудудидаги минглаб туп дарахт, бута, гул кўчатларини экадилар.

Ш. АБДУЖАЛИЛОВ







Мутахассис маслаҳати

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

ХАЛҚИМИЗДА «ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ», ДЕГАН НАҚЛ БОР. ЛЕКИН БУТУН БОШЛИ БОҒ БУНЁД ЭТИШНИНГ ЎЗИ БЎЛАДИМИ? БУНИНГ УЧУН НЕЧА ЙИЛЛАБ ТЕР ТЎКИБ МЕҲНАТ ҚИЛИШ КЕРАК. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, ЁШ БОЛАГА ҚАНДАЙ ПАРВАРИШ ЛОЗИМ БЎЛСА, НИҲОЛЛАРНИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ ПАРВАРИШЛАШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.

Ўзбекистонда мевали ва резавор мевали ўсимликларнинг 70 тури ўсади. Мевали дарахтларнинг нормал ўсиши ва тўғри ривожланиши кишидан катта меҳнат талаб қилади. Бу борадаги агротехник тадбирлардан дастлабкиси — мевали дарахтларга шакл беришдир. Маълумки, Республикамизда кўпчилик мевали дарахт турларига паст танали шакл бериш усули кўпроқ қўлланилади. Марказий танада асосий шохларнинг жойлашиш характерига қараб шох-шаббаларга ярусли, косасимон, сийрак ярусли, бутасимон шакл берилади. Мевали дарахтларга танасидан 80-100 сантиметр баландликда, баланд танали дарахтга 150-200 сантиметр баландликда шакл берилади.

Кейинги йилларда сийрак ярусли шакл бериш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усулда дарахтда тананинг турли томонларида бирин-кетин жойлашган 5-8 та асосий ва битта-иккита қўшимча шох қолдирилади, асосий шохлар орасида тана бўйлаб оралиқ қолади. Бу — шохларнинг танада мустаҳкам ўсишини таъминлайди, шох-шабба жуда қалинлашиб кетмайди.

Буташ, шох ва новдаларини қисқартириш ҳамда шох-шаббани сийраклаш билан дарахтларга шакл берилади. Қисқартириш усули қўлланганда, шу йили ўсган новдаларнинг ёки кўп йиллик шохларнинг бир қисми кесиб ташланади. Шох-шаббанинг ички қисми сийраклаштириладиган бўлса, новда, шох ёки бутоқлар асосий танага туташган жойидан қирқиб ташланади. Дарахтлардан янги новдалар ўсиб чиқиши учун эски ва қуриган шохларини кесиб ташлаш лозим. Бу ўз навбатида ўсимлик ҳаётини узайтириш ва ҳосилни тиклаш усулларидан бири ҳисобланади.

Кўпчилик боғбонлар 20-25 йиллик олма, нок, 10-15 йиллик ўрик, гилос, олхўри ва олча дарахтларини турли усулда ёшартирадилар. Дарахтларни ёшартиришнинг уч тури бўлиб уларга енгил, кучли ҳамда бутаб ёшартириш усуллари киради. Енгил ёшартиришда асосий шохлар қулай томонга ривожланган ён шохларнинг учидан, кучли ёшартиришда эса асосий шохларнинг учдан икки қисми кесиб ташланади. Бунда келаси йили бир нечта янги новда ўсиб ривожланади. 3-4 йилдан сўнг улардан янги шох-шабба шакллантирилади. Дарахтлар ҳосил бериш ҳамда қурий бошлаш даври охирида ёшартириш мақсадида буталади. Бунда асосий шохлар қисқартирилиб, улардан 1-2 йиллик новдаларнинг айримлари олиб ташланади. Бу усулда заҳирадаги озиқ моддалар дарахтларнинг кўп гуллаши учун сарф бўлмайди, тугилган мевалар тўкилиб кетмайди. Ёшартирилган олма ва нок дарахтлари тўртинчи йилда, ўрик ва шафтоли иккинчи йилдаёқ ҳосилга киради.

Шохларнинг кесилган жойига боғ малҳами ёки алиф аралаштирилган мойли бўёқ суртиб қўйилади. Дарахтларни ёшартираётганда уларнинг умумий ўсиш кучига қаралади. Суст ўсаётган ёки нимжон дарахтлар бир йилда эмас, икки йилда ёшартирилса ҳам бўлади. Ёшартиришдан олдин дарахт ўсаётган ернинг ҳар бир квадрат метрига 5-6 килограмм чириган гўнг ёки минерал ўғит аралашмаси солиб, қондириб суғорилади. Тўғри ёшартирилган дарахтлар яна 10-15 йил, ҳатто бундан ҳам узоқ йил ҳосил беради. Бундай соғлом дарахтдан ширин-шакар мевалар териб истеъмол қилиш мумкин. Узоқ умр кўришликнинг асосий омилларидан бири бўлмиш мевали дарахтларни кўпайтириш ва уни парваришлаш ишлари асосан баҳор ва куз ойларида олиб борилишини унутманг.

У.ОРИПОВ,
ҳаваскор боғбон

Корхоналарда

ЮТУҚЛАР БОР, ЛЕКИН...

ҚЎМИТА НОЗИРЛАРИ БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН ҚАТОР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИНИ ДОИМИЙ РАВИШДА НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРАДИЛАР.

Яқинда нозирлар «HANURI» корхонасида бўлишди. Умумий майдони 15568 квадрат метр бўлиб корхона ҳудудида ишлаб чиқариш цехи ва омборхоналар, офис яъни маъмурий бино жойлашган.

Корхона тўқимачилик чиқиндиси ва пахтани қайта ишлаш билан шуғулланади. Корхона сувни «Ғулом» МЧЖга тегишли артезиан қудуғидан олади. Сув ишлаб чиқаришда ишлатилмайди,фақат хўжаликда ишлатилади.

Корхона ҳудуди канализациялаштирилган, ҳосил бўлган хўжалик ва оқава сувлар қазилма ўрага ташланади. Корхона майдони «Ғулом» МЧЖдан сотиб олинган ва жой учун 1996 йил 15 октябрда 5503-сонли давлат ордери олинган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 10-11 моддаларига риоя қилинган ҳолда корхона томонидан зарарли моддалар меъёрий ҳужжати 2002 йилда «BIOLOYIHA» ХК томонидан ишлаб чиқилган ва 2002 йил 25 июнда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида тасдиқланган. Юқоридаги ҳужжатга асосан зарарли моддаларни атмосферага ташлаш учун Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан рухсатнома олинган. Амал қилиш муддати 2007 йилнинг 25 июнигача.

Корхонада чиқиндилар меъёрий ҳужжат лойиҳаси 2004 йилда ишлаб чиқилган ва 2004 йил 5 январда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган. Ҳосил бўлган чиқиндиларни олиб чиқиш учун «Бектемирмахсустранс» билан шартнома тузилган.

Куйган люминицент лампалар «Селта» корхонасига топширилган. Текширув пайтида куйган люминицент лампалар йўқлиги аниқланди. Маълумки, 1 дона синган люминицент лампалар 25 куб метр ҳавони симоб моддаси парлари билан заҳарлайди. 2005 йил учун экологик компенсацион тўлов ҳисоб китоби бажарилган ва 2005 йил 24 январда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Корхонада ютуқлар бўлганидек баъзи камчиликлар ҳам аниқланди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65- моддасига асосан бошлиқ М.Валерийга 24000 минг сўм жарима солинди.

К.ОРИФЖОНОВ,
Бектемир тумани нозири

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНИНИНГ 41-МОДДАСИДА КОРХОНАЛАР, ИНШООТЛАР ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ, ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ, ТАЪМИРЛАШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШГА ДОИР ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИЛГАН. ШУНГА КЎРА, ШУ КАБИ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ЭКОЛОГИЯ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ БАЖАРИЛМОҒИ, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҒИ ЛОЗИМ.

Жарима

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт. Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган халқ хўжалик объектларни ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертиза хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинади. Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини бузган корхона раҳбарлари ёки фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилади. Хусусан юқоридаги қонуннинг 96-моддасида лойиҳаларни давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек, бундай хулосаси бўлмаган объектларни маблағ билан таъминлашни бошлаш ёки маблағ билан таъминлаш ман этилади. Бу кўрсатмага амал қилмаган мансабдор шахсларга жарима солинади. Текширувда Учтепа туманида 2005 йил мобайнидаги корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65,91,75,85,88,96-моддалари бажарилмагани аниқланди:

● «Энергомахсустаъмир» корхонаси текширилганда, корхона ҳудудида баъзи жойларда мой тўкилганлиги аниқланди, натижада бу нарса тупроқни ифлослантиришга олиб келган. Бунинг учун бош механикка 20000 сўм жарима солинган.

● «Туман оқава сув бошқармаси» кундузги ёритгич лампаларнинг яроқсизини зарарсизлантирмагани боис 10 минг сўм жарима тўлади.

● «Туманмахсустранс» корхонасида «Сув ҳақида»ги қонуннинг 30-моддаси талаблари бузилгани учун раҳбарга 10000 сўм жарима солинган.

● «Бўзсув аэрация станцияси»да атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бузилган. Корхона раҳбарига 15000 сўм жарима солинди.

● «Ташинтерм» корхонасида кундузги ёритгич лампаларнинг яроқсизи утиллаштирилмагани учун раҳбар ўринбосари 8000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

● «Дионорг-Сервис» УЖМШ ҳудудидаги шохшаббалар ёқиб юборилгани учун раҳбар Шариповага 20000 сўм жарима солинган.

● «Анҳор сервис» ХК ҳудудидаги маиший чиқиндилар утиллаштирилмагани учун бош муҳандисга 8000 сўм жарима солинди.

● «ПЭТ-пласт ОИЛ», «Кимё геология-сервис», «Лаззатли таом» МЧЖ кабилар иш фаолияти учун қўмитадан давлат экологик экспертиза хулосасига эга эмаслиги учун уларнинг раҳбар ўринбосарларига белгиланган миқдорда жарима солинди.

М.УМАРОВ,
давлат нозири

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Агар чандеки, ўрнунг бўлса афлоқ,
Куёшдек ўп, юриб рухсораи хок.
Сўфи ОЛЛОЁР

Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одам нима деса, улга рози бўлади, ўзига бино қўяди. Кимки уни мақтаса, ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсага ўйламай жавоб бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса ҳеч кимни менсимай, мағрурланиб юради. Сўкиниб гапиради. Биров савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Ўзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йиғласа ундан ўтказади.

«ФАВОКИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

Агарчи кўрсатса лутфу ниёз,
Кин аҳлига такя қилмоқ ёмон,
Иноннмоқ зиёндур, зиёндур, зиён.
ОРАЗИЙ

Замона талабига тескари юрган одам сув ичидан олов қидирган кишига ўхшайди.

Аҳмоқ ғазабланса, шайтон унга акалик қилади.

«ОТАЛАР сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир аҳмоқ киши йўлда кетар эди. Ногоҳ бир ойнага кўзи тушди. Ойнага қараб, ўз аксини кўрди-ю, дарҳол ўз жойига қўйди ва деди: «Авф этинг, бу ойна сизники эканини билмабман!» Қитъа:

Ақлсиз қўлига тушганда ойна,
Ўз аҳмоқ юзини кўргай ҳамиша.
Қизиқким, ўз юзин кўрса ҳамки у,
Ўзганинг юзи деб қилар андиша!
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Ҳар кимсанинг макони ўлса саҳро,
Қуруқ чўпдек қурутғуси ҳарорат.
ОРАЗИЙ

Билгали сўз хотири доно керак,
Кўргали йўл дидан бино керак.
***
Кишиким аямас хуш сўз кишидан,
Эмас ғофил даме тангри ишидан.
Саид ҚОСИМИЙ

Бўлар одам ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.
«Амир ТЕМУР ўгитлари»

ХАЛҚ, ВАТАН, САФАР, САЁҲАТ, ЁШЛИК, ЙИГИТЛИК, КЕКСАЛИК ҲАҚИДА

Ҳар киши эл учун тортса агар ранж,
Оқибат муяссар бўлар унга ганж!
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Аржумандлик байроғини кўтаргувчилар ва сарбаландлик ноғорасини чалувчилар шундай кишиларки, улар халқнинг тинчлигини ва осойишталигини ўйлайдилар ва кеча-кундуз шу ҳақда фикр қиладилар, барча кишиларни ўз ака-укаларидек кўрадилар, бировнинг дил шишасини ғазаб тоши билан синдирмайдилар, адоват ва жафо тиканини бечоралик саҳросида юрган ялангоёқлар оёғи остига ташламайдилар.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.
НАВОИЙ

Ўзунгни ўйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,
Нахўдча етса зиёнинг, ўзинг ҳаётдин кеч.
Дилшоди БАРНО

Ҳар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўқ,
Ул аблаҳи бедин ила савдо қила кўрма.
Анбар ОТИН

Дардману жафокаш элга қилур,
Назм ила дардини шуаро.
МУНИС

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига моян дармон бўлғил.
НАВОИЙ

Азиз халқингга доимо яхшилик қил, қилган яхшилигинг улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасддан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса, қилган ёмонлиги, шубҳасиз, ўзига қайтади.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Не яхши ўйлаким, маъқулу манзур,
Аваз халқим учун тўкулса қоним.
Аваз ЎТАР

Халқ кимдан қўрқса, демак, ўша одам ёмондир.

Халқ билан хато қилиш якка-ёлғиз ҳолда хайрли иш қилишдан афзал!

Сен халққа қанча аралашсанг, халқ ҳам сенга шунча ёндошади.

«ОТАЛАР сўзи»

Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл,
Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кўр.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ундаб улуғ чақирса,
Тезлик билан чопиб кел,
Очлиқда бирга бўлгил,
Не ҳолда бўлса юрт, эл.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.



Кутлаймиз!
Азиз фарзандимиз Анваржон!

Сени таваллуд топган кунинг— 6 ёшга тўлганлигинг муносабати билан самимий табриклаймиз.

Оллоҳдан сенга келажагинг порлоқ бўлишини тилаб қоламиз.

Адажонинг ва ойижонинг
Алишер ва Дилбар Сапарбоевлар

Хамкорлик

МИСР ФОЛЬКЛОР ГУРУҲИ—ТОШКЕНТДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМГА МУВОФИҚ, ЮРТИМИЗГА ДЎСТ МАМЛАКАТНИНГ «ВАДИ АЛ-ЖАДИД» (ЯНГИ ВОДИЙ) МИЛЛИЙ-ФОЛЬКЛОР ГУРУҲИ ТАШРИФ БУЮРДИ. ИЖОДИЙ ГАСТРОЛЬ МИСР МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

1980 йили Миср Маданият вазирлиги тизимида ташкил топган «Вади ал-жадид» миллий фольклор гуруҳи Алвади ал-жадид вилоятининг расмий ижодий жамоаси ҳисобланади. Гуруҳ бир неча бор Халқаро фестиваль ва танловларда иштирок этиб, совриндор бўлган. Унинг репертуаридан Алвади ал-жадид вилояти маданит ва урф-одатларини акс эттирувчи асарлар ўрин олган.

— Биз Ўзбекистонни кўпроқ қадимий Самарқандда бир неча йилдан бери муваффақиятли ўтиб келаётган анъанавий «Шарқ тароналари» Халқаро фестивалида фаол иштирок этаётган ватандошларимиз, устозларимизнинг ҳикоялари орқалигина билардик ва бу ерга ижодий сафар билан келишни орзу қилиб юрардик, — дейди «Вади ал-жадид»нинг раҳбари Муҳаммад Али Ҳасан ан-Нажжор. — Бугун ана шу эзгу ниятимизга эришиб турганимиздан ғоятда мамнунмиз. Биз Ўзбекистонни томоша қилиш, дастуримизни намойиш этиш баробарида, бу ердаги ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишамиз, ижод ва маданий алоқалар тўғрисида фикр алмашамиз. Ижодий гастролимиз икки юрт халқлари ўртасидаги дўстликка, маданий алоқаларни ривожлантиришга муносиб хизмат қилса, ўзимизни бахтиёр сезамиз.

Миср фольклор гуруҳининг ижодий сафари етти кунга мўлжалланган бўлиб, улар ижросидаги концерт дастурлари пойтахтимиз олий ўқув юртларида намойиш этилмоқда.

(Ўз мухбиримиз).






Танловлар

МИЛЛИЙЛИГИМИЗ — МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИ

МИЛЛИЙЛИГИМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗГА, АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАШ ҲАР БИР ЁШНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР.

Тошкент солиқ коллежида бўлиб ўтган «Миллийлигимиз — миллатимиз фахри» кўрик-танлови ана шундай кўтаринки руҳдаги сўзлар билан бошланди.



— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад нафақат ўқувчиларни миллий қадриятларимизга ифтихор туйғулари билан қарашга ўргатиш, балки уларда ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатни янада шакллантиришдан иборатдир, — дейди коллеж директори Мухтор Мухторов. — Қолаверса, унутилиб бораётган миллий кийиниш маданияти, урф бўлиб бораётган Европа модаси орасидаги тафовутни фарқлашда уларга ёрдам бериш, маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, ўзбекона одоб-ахлоқ тушунчаларини ёшлар онгига сингдиришга эътиборни кучайтиришдир.

Ўқувчилар асосан миллий куй-қўшиқлар, миллий либослар, урф-одатларимизга оид йўналишлардаги шартлар бўйича баҳслашдилар. Қатнашчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ижро этган қўшиқ ва лапарлари, саҳна кўринишлари ҳакамлар томонидан оқилона тарзда баҳоланиб борди. Тенгдошларнинг олқишлари эса уларга ҳар тарафлама мадад бўлди.

Айни кўклам нафаси уфуриб турган кунларда ўтказилган ушбу танловда иштирокчиларнинг барчаси ғолиб деб топилди. Тадбир байрамона руҳда, кўтаринки кайфиятда якунланди. Баҳорий таомлар билан безатилган тўкин дастурхон атрофида ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам бирдай маданий дам олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент Солиқ коллежида ўтказилган танловдан лавҳалар.

Спорт

ПАН АМЕРИКАДАН ХУШХАБАР

ЎЗ ЖОЗИБАСИ, ҲАЛОЛЛИГИ БИЛАН ЗАМИННИНГ ҲАР БИР САРҲАДИДА ҚУЛОЧ ЁЗАЁТГАН ЎЗБЕК КУРАШИ ЯНА БИР МАМЛАКАТ ФУҚАРОЛАРИНИ ЎЗИГА РОМ ЭТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИ ҲОЛ.

Куни кеча Кураш халқаро асооциацияси қароргоҳига Пан Америкадан хушхабар келди.

Уругвай шаҳрининг Мерседес шаҳрида 9-15 апрель кунлари биринчи марта «Экспо спорт» деб номланган фестиваль бўлиб ўтади. Фестиваль доирасида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турлари билан бирга кураш мусобақалари ҳам ўрин олганлиги қалбларда ғурур ҳиссини уйғотади. Дарвоқе, ушбу турнирда Уругвай полвонлари билан бирга Аргентина, Парагвай, Бразилия, Боливиядан келган номдор спортчилар ғолиб бўлиш ниятида гиламга чиқишади.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган 90 нафар спортчи иштирок этган биринчилик баҳсларида ёш қатнашчилар орасида биринчи ўринни Тамила Мирзахўжаева, Валерия Давидова, Марта Ростобурова қўлга киритган бўлишса, бошқа ёшдагилар орасида Азиза Мамажонова, Инара Сатторова ҳамда Комила Тўхтаеваларга шоҳсупа тўрининг энг юқорисидан жой эгаллаш насиб этди.

Гуруҳ мусобақаларида эса Анастасия Берестецкая, Екатерина Бабина, Раъно Муҳамедова, Алиса Ажемирова, Зарипа Денисяроваларга тенг келадиган рақиб топилмади. Ғолибларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Сўранг, жавоб берамиз

ВАННАДАГИ ДЕНГИЗ

Ҳозирги шароитда денгиз бўйларига бориб даволаниш учун ҳар ким ҳам имконият топавермайди. Шунинг учун ҳам баъзилар дорихоналардан денгиз тузини сотиб олиб, ванна қилишади. Бунинг ҳақиқатан ҳам нафи бўлармикин?

Ваҳоб Лутфуллаев, Мирзо Улуғбек тумани.

Консультант-маслаҳатчи Муҳаммаджон Миршарипов жавоб беради:

Хлорид-натрийли ваннадан кутилган натижага эришиш учун, масалан, остеохандроз ёки сурункали бронхит касаллигида бир марталик муолажа учун 200 литрли ваннага 8 кг туз солиш керак бўлади. Ванна қабул қилишга мўлжалланган қоғоз халтачалардаги тузларни эса ваннага чой қошиқда солиш кўзда тутилган.

Бундай концентрацияли ваннадан бирон натижа кутиш қийин: у яллиғланиш жараёнларига кам таъсир қилади, юракни қувватлантира олмайди. Лекин бу тузлар кўпинча хушбўй ҳидлантирилган бўлади. Шундай туз аралаштирилган ваннани қабул қилиш асаб тизимига ижобий таъсир этади, уйқуни яхшилайди, юрак сиқилишини барҳам топтиради.

КИМГА ҚАНАҚА?

Спиртли ичимликларни ҳам допинглар қаторига киритиш мумкинми? Ичкилик ичган кишилар нега турлича маст бўлишади?

Зубайр Аҳмедов, Миробод тумани.

Консультант-маслаҳатчи тиббиёт фанлари номзоди О.Содирхонов жавоб беради:

Алкоголь, спиртли ичимликни шу маънода допинглар қаторига киритиш мумкинки, у ҳам кайфиятни кўтариб, ишчанлик қобилиятини оширади. Бир-икки қадаҳни кўтарган кишилар бирданига қувноқлашиб, тиллари бурро бўлиб қолади, сертавозе ва улфати одамга айланишади.

Бироқ, 3-4 қадаҳдан кейин алкоголнинг салбий таъсири кучайиб боради. Ҳаракатларни назорат қилиш қобилияти сусайиб, суҳбатдошлар бир нарсани бир-бирларига кўп марталаб такрорлашади.

Албатта, ичкилик ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади. Бунда гап қанча ичишда ҳам бўлмай, балки алкоголни сирка алдегидигача оксидловчи фермент фаоллигига боғлиқ. Турли одамларда унинг фаоллиги ўнлаб мартагача фарқ қилиши мумкин.

Масалан, монголоидларда бу кўрсаткич анча паст бўлса, европаликларда юқори ҳисобланади. Алкоголь ферменти юқори фаоллигига эга бўлган кишилар спиртли ичимликларни яхши кўтаради. Шундай "алоҳида бир гуруҳ" кишилар борки, улар алкоголь билан мутлақо чиқишолмайди. Улар ичкиликни мутлақо оғизларига олмаганлари маъқул.

Шуни таъкидлаш жоизки ичкиликни кўп ича оладиганларга ҳасад қилишнинг ҳожати йўқ. "Мени ҳеч қачон ичкилик енга олмайди",— деб мақтанувчилар ҳам вақти келиб "йиқилишади".

Мирзо Улуғбек туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси 20-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Нормуродовна Назруллаевага отаси

Нормурод НАЗРУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларига «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги «ТИМ – 2» савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари қўйилди:

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 13 (ўн учта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 24 828 423,62 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 3 (учта) савдо дўконлари шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 28 139 767,86 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 252 703,25 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 950 980,37 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бошланғич баҳоси – 57 820 284,22 сўм;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 36 971 425,82 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 33 659 497,58 сўмдан.



Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Мунажжим башорати

МУҲИМ ИШЛАРНИ БОШЛАЙВЕРИНГ

30 МАРТ, ПАЙШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУН МУҲИМ ИШЛАРНИ ДАДИЛ БОШЛАЙВЕРАДИГАН КУН. ЛЕКИН ШУНИ ҲАМ ЁДДА ТУТИШ КЕРАККИ, ҲАР ҚАНДАЙ ТАШАББУС ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕСИБ, ЧУҚУР ЎЙЛАБ БОШЛАНГАНДАГИНА МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛАДИ. ЙЎЛЛАРДА ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ, ЖАНЖАЛ-МОЖАРОЛАРНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.

Бирон-бир ялтироқ буюм ёки ялтироқ тошни топиб олиш яхшилик аломати ҳисобланади. Дастурхондаги бирон нарсани тўкиб ёки тушириб юбориш, кийимнинг йиртилиши ёки тирноғингизнинг синиши – нохушликларга ишора. Тасодифан чироқнинг ўчиб қолиши ўйлаб қўйган ишингиз амалга ошмаслигидан далолатдир.

Бугун кўрилган ёрқин тушлар яхшиликка бўлади. Тушингизда чақмоқ ёхуд оловни кўришингиз эса жуда яхши аломат ҳисобланади.

Бугун оч юриш тавсия этилмайди. Аксинча, минераллар ва витаминларга бой ранг-баранг таомларни тўйиб истеъмол қилинг. Озроқ қизил вино ичиш фойдали.

Ёрқин, иложи борича янги либослар кийинг. Ҳашамли, ола-була ва ялтироқ кийимлар бугунги кунингиз омадли ўтишига ёрдам беради. Ҳар қанақанги қорамтир ва сидирға хира ранглардан ўзингизни узоқроқ тутинг.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ

КЎРИШГА ШОШИЛИНГ



Спектакллар: 2006 йил 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 30, 31 март соат 18.00 да бошланади.

Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта будимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6